

РАСМИЙ АХБОРОТ

СССР Министрлар Советининг машинасозлик бюроси (бюро раиси — СССР Министрлар Совети Раисининг ўринбосари И. С. Силаев);

СССР Министрлар Советининг ёқилиш-энергетика комплекси бюроси (бюро раиси — СССР Министрлар Совети Раисининг ўринбосари Б. Е. Шчербина);

СССР Министрлар Советининг давлат ташиқ иқтисодий комиссияси (комиссия раиси — СССР Министрлар Совети Раисининг ўринбосари В. М. Каменцев).

(ТАСС).

Салвадор армияси шарманга
дали позицияни тутди. «Хосе
Симеон Каньяс» Маркази
Америка университети томо-
нидан нашр этиладиган «Про-
сесо» журналининг хабар ки-
лишича, ҳарбийлар одамлар
ни кутқариш ишларида қатна-
шишдан бош тортганлар.
Салвадор курулли кучлари
бош штаби бошлиғи генерал
Бландон сурбетлик билан ар-
мия «бундай вазифаларни ба-
жариш учун тайғарлик кўр-
магани» деб айтган.

Салвадор армияси шарманга
дали позицияни тутди. «Хосе
Симеон Каньяс» Маркази
Америка университети томо-
нидан нашр этиладиган «Про-
сесо» журналининг хабар ки-
лишича, ҳарбийлар одамлар
ни кутқариш ишларида қатна-
шишдан бош тортганлар.
Салвадор курулли кучлари
бош штаби бошлиғи генерал
Бландон сурбетлик билан ар-
мия «бундай вазифаларни ба-
жариш учун тайғарлик кўр-
магани» деб айтган.



БИР ГРАММ ҲАМ ПАХТА НОБУД БЎЛМАСИН!

ЎЗУВЧИЛАР ПАХТА ДАЛАЛАРИДА

Ўлкамизда олтин куз қордай оппоқ, ипакдай майна пахталарни тез ва сифатли териб олиш учун кураш авжида. Пешқадам ҳўжаликлар бу йилги планларини муддатидан илгари бажарганликлари ҳақида ғалаба рапортлари имзо чекишмоқдалар. Маррага етиш учун астойдил интилаётган районлар, областларнинг қадими илдам. Даладарда юриб, азамат деҳқоннинг бугунги кўтаринки руҳини кўриб, беҳад завққа тўласиз.

Ленин райони пахтакорларининг гайрат-шижоати ҳам таҳсинга лойиқ бугун. Мавсум бошидан бери област бўйича пешқадамлик қилиб келаётган бу район пахтакорлари ҳамон суръатини сусайтиришмоқда. Бир қатор ҳўжаликлар зафар маррасини забт этган бўлсаларда, кундалик пахта тайёрлашни камайтираётганлари йўқ. Айниқса, «Правда Востока» колхозининг Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Қобилжон Мирзаев бошлиқ 5-бригадаси 134 гектар ернинг ҳар гектаридан 42 центнердан ҳосил етиштириб доврғи дoston бўлди.

Москва, Комсомолбод, Балиқчи, Ўзбекистон районлари ҳам ўз ваъдаларига содиқликларини намойиш қилишлари турган гап. Аммо областдаги барча районларнинг шахди ҳам бир хилда эмаслигини кўриб афсус қиласиз. Айниқса, Қўрғонтепа, Марҳамат, Хўжабод, Жалолқудуқ районларидаги сўзлик ботун Андижонни орқага тортаётди. Қани аввалги йиллар жўшқинлиги? Газета саҳифаларини кўрган одам моҳир пахтакорлар билан оламга донг кетган, кечатгина санъаткорлар, адблор таърифларига мавзу бўлган районларга бугун нима бўлди, демоқда. Дарҳақиқат нима бўлди? Катта каровондан ортда қолиш улариға хос эми-ку?

Аслида шундай ҳол юз беришининг мунарарлиги кўндан бугун андижонликларга маълум эди. Бунга айрим раҳбарлар яшириб келдилар. Ҳўж йиллардан бери алмашлаб киши жараённи барбод бўлатганини, фақат бир хил экин ундиришни авж олдириш билан ерларни яросиз ҳолга солиб қўйишнинг яхши йўлини билардилар. Тўғри, сўнги йиллар экин майдонларини кенгайтириш мақсадида кўриқ ерлар очилди, адирларни ўзлаштириш, пахта ундиришни эса ўша ёлғарга қўйиб, ҳосилдан чарчаган ерларда икки-ўч йил ем-хашак етиштириб, чорвани ривожлантиришда режалари ҳам йўқ эмас эди. Бироқ тонналар кетидан қувиш тўғрисида бу мақсадларнинг тағига сув кетди. Янги ўзлаштирилган ерларга ҳам, ҳолдан тойган майдонларга ҳам баб-баробар чигит экилаверди. Ҳатто илгаридан чорва учун ажратилган ўн минг гектар ернинг талай қисмига ҳам чигит экиб юборилди.

Биргина Хўжабод районида 1800 гектар ортиқча ерга чигит экилаётгани маълум бўлиб қолди. Бу қонунсиз ишнинг мутасаддиларига чора қўриш мақсадида район ижрокоми раиси вафизаддан олинди. Қарангки, шундан кейин ҳам ҳеч нарсасиз, ўзгармади. Бу эса дала аҳлининг ҳафасаларини пир қилиб, ёппасига меҳнат активлигини сусайтириб юборди. Шунга ўхшаш қирдикорлар бугунги кунда ҳам кўпчиликда сусташлик тўғрисида, дейсизми? Яхши-яхши меҳнаткорлар, тажрибали сувчилар бошқа ташкилотларга, қўшни област

давр ичи Қўрғонтепа, Жалолқудуқ районлари ерлари сизга суваридан қўтулолмайди. Хўжабод районида экин майдонлари захлаб, шўрлаб кетаётди.

Областда пахта тайёрлашнинг кўндан-кўнга сўзлаштирилиши яна бир босқич — йилги, маҳаллий шароитга мос навларни тўғри танлаш билмаслиқдир. Экинларнинг «Андижон-80», «Андижон-81», «АН-402» навлари қўсанининг мўллиги, толасининг яхшилиги билан ажралиб туради, албатта. Лекин булар кечипишар пахтакорларнинг оғирлиги янмигача ҳам бўлсалар тупидаги қўсаклар қўйғос очилавермайди. Янги очилар вақтига етганда эса қўсакларни қора совуқ уриб, қовжиратиб қўлади. Пахтаси та

сифатсиз чиқиб, пахтаси ботроқ айниди. Орада тортишув бошланди. Масала обкомга етди. Район ноҳақлида айбодилар. Селекционер эса ишчи Самарқанд, Бухоро областларида давом эттириб, ўзининг ҳақлигини исботлашга киришди. Оқибат бошқача бўлиб чиқди. Орадан икки-ўч йилча ўтган селекционер айбига иқдор бўлиб, раисдан кечирим сўради.

Ўз манфаатини қўлаб, ўзгалар фикрини менсимаслик ҳеч қачон яхшиликка олиб келмайди. Пахта етиштиришда обдон қўнгиши, амалий тажриба, орттирган минглаб деҳқонларнинг фикри, мулоҳазаси билан ҳисоблашни ҳам қўнгишча фойдадан ҳоли эмаслар.

Сўнги йиллардаги қўшиб ёзишларга, четдан сотиб олинган пахталар ҳисобига план тўлдиришларга чек қўйилгани ҳаммага маълум ва манзур албатта. Шунга қарамай баъзилар ҳамон ўшандай касалликдан бутунлай қўтулолмаётганликлари, ҳозирги қайта қўриш шароитига қўнқолмай қийналаётганликлари ҳам аққол сезилмоқда. Бу айниқса, Бўз, Марҳамат районларида кўзга ташланади. Ана шу касаллик ишчи ва техника ресурсларини айниқса шу кунларда пахта теримиға жалб этилишиға ўз таъсирини кўрсатишмоқда.

Ошкоралик ўрниға ўзларини партия номидан иш қорайтган қилиб кўрсатиб, яширини номақўлчиликларини амалға оширган, оқибатда ҳаммаси фой бўлиб, обрўларига пўтўр етган раҳбарларнинг бугун меҳнат аҳли менсимай қўйди. Янгида Хўжабод районидаги Калинин номи совхозға Эркин Холбековни директорликка тайинладилар. У бундан олдин Комсомолбод районидаги «Дўстлик» совхозига раҳбарли қилган, ҳўжалик ишларини эса издан чиқариб, қатъиятсиз ва бебурдлигини намойиш этган эди. Бу соҳада ҳаммага танилган одамни яна аввалгисидан ҳам оғирроқ ҳўжаликка бош қўлиб қўйилиши кишини таажублантиради.

Худди шу райондаги «Шарқ юлдузи» колхозига ҳам Ўткиржон Сўфиев деган «сайёра» раис тавсия қилинганда ҳўжалик аъзолари ларзага келишди. Чўнки унинг аввалги қирдикорларидан, собиқ иш жойида меҳнат-нашарларни ниҳоятда ранжитганлигидан хабардор эдилар. Шу боисдан колхозчилар уни сайлов мажлиси кезаётган клубға яқин йўлатмадилар. Қандай келган бўлса, яна шундай қайтиб кетишга мажбур бўлди. Колхоз икки ойча раҳбарлик қолди. Колхоз аъзолари ўзлар билан бирға ўсиб, улғайган, ишчан ёш мутахассис Тожибархон Қўрақўзиевни сайлашди-ю, ишлари юришиб кетди. Ҳамма хотиржам меҳнатға шўнгитан ҳозир.

Мана шу хилдаги мисоллар Андижонда кадр танлаш ва уллардан ўрни-ўрнида оқилона фойдаланиш борасида ҳам тарбиясизликлар борлигини исботлаб турибди. Бундай хатолар ўз навбатида ҳақиқий меҳнат аҳлининг ҳафасаларини пир қилади, дала ишларининг тўғри ва жадал оқилолаштиришга салбий таъсирини ҳам кўрсатади.

Аммо шўниси қувончлики, андижонлик пахтакорларнинг руҳлари тетик. Даладардаги ҳосилнинг сўнги мисолигача териб олиш улларнинг аҳд-муддаси.

Жонрид АБДУЛЛАХОНОВ, Рустам РАҲМОНОВ.



ЖИЗЗАХ. Шу кунларда Пахтакор районидagi «Пахтакор» совхозининг 4-бўлимида чевар теримчилар мусобақасида авж олдириб юборилди. Обҳавонинг қўлай келган ҳар бир

дақиқасидан унумли фойдаланаётган пахтазор юлдузлари суръатини бир зум ҳам бўшаштирмаётдилар.

ва, Гулҳебра Шерғозиева ва Инобатхон Синдоровлар. Улар кўнға эл хирмонига 120—130 килограммдан дурдона тўқишмоқда.

У. Қўшвоқов фотоси.

ЯНГИ ҚЎШИҚЛАР

ҲАШАР

Тўйоналар эшиги гавжум,
Қон-қариндош, қўшни қарашар,
Жўраларнинг билги гулжум,
Демак, бунда кезади ҳашар.

Осон ўлар бую кўрмиз,
Оғушда ватандош ишар.
Роҳатини бирға сурамиз
Корможада юрибди ҳашар.

Олтин кўзининг қадами олтин,
Чаноклардан пахталар тошар.
Қамчилаймиз жасорат отин,
Ўлкамизда бошланди ҳашар.

Чорбоғларда невалар шарбат
Саватларға ўзини ташлар.
Дастурхонға талпинар неъмат
Демак бизни кутмоқда ҳашар.

Бир ёқадан бошини чиқариб
Кўч синашар майдонда ёшлар.
Бир чекада енгини шимариб
Кексаларни чорлайди ҳашар.

Қўлни қўлга бериб яшайди
Ороланиб қишлоғу шаҳар.
Занжир-занжир тоққа ўхшайди,
Ҳимматимиз — кам бўлма ҳашар!

ПАХТАКОР ҚИЗГА

Остонинг далага
Улаган йўллар оппоқ,
Кечани кўнғуз билан
Сўрғон диллар оппоқ,
Хайлиға орзулар
Гуллаган чаман оппоқ,
Мўъжаз бағриниға сиққан
Бу улкан Ватан оппоқ.

МЕҲНАТ ШАРОФАТИДАН

Менинг забардаст халқим,
Ишға камарбаст халқим,
Элиға ҳамадаст халқим,
Таҳсиниға лойиқ ҳақиқин
Меҳнат шарофатидан,
Меҳнат шарофатидан.

ПАХТАКОРГА ҲАММА МАДАДКОР

ҲИММАТ

Уйчи район марказий касалхонаси ҳодимлари аҳолиға тиббий хизмат кўрсатиш билан бирға «Гулистон» совхоз деҳқонларига пахта йиғим-теримида яқиндан ёрдам бермоқдалар. Улар кўнға 10—12 тоннадан, шанба-якшанба кўнлари эса йиғирма тоннадан ошириб «оқ олтин» термоқдалар. Шифокорларнинг ёрдами тўғрисида ҳўжалигини Е. Юсупов бошлиқ бригадаси йиллик планини биринчилар

қаторида бажарди. Бу муваффақиятда М. Аҳмадалиева, Т. Ҳайдарова, Х. Пўлтонова сингари медицина ҳодимларининг ҳиссаси катта бўлди. Шифокорлар мавсумда 500 тонна пахта териб беришға аҳд қилишган.

М. ҚОДИРОВ.

СТУДЕНТЛАР ҲИССАСИ

Шу кунларда Сирдарё об-лаести Илчи районидаги Ҳўжон номи совхоз пахта дала-

ларида Тошкент давлат маданият институти маданий-оқратув факультетининг тўрт юздан ортиқ талабаси меҳнат қилмоқда. Бу ерда ҳашарчилар учун яхши шароит яратиб берилган.

Студентлар теримда ўзаро мусобақани кучайтирмоқдалар. Терим натижаларини жанговар варақларда, «Чақмоқ» деворий газетасида мунтазам ёритиб бориляпти. Теримда Г. Жамолова, С. Шоймарднов, Ю. Жўраевлар ўрناк бўлмоқдалар.

М. ХОЛИҚОВ.

Ташвишли сигнал

КОСОНДА КИМНИ АЛДАШАПТИ

Косон районидаги Чўйков номи совхоз директори У. Наримов пахта теримининг «янги методи»ни кашф қилди.

Мақтаб ўқувчилари пахта терим машинасининг олдига қатор оралаб, ўтларни юлиб кетишяпти. Болаларнинг орқасидан «зангори кема» сузиб бормоқда. Унинг орқасидан бошқа болалар тўқилган пахта ва қўсакларни териб кетишяпти. Чўнки комбайн ҳосилнинг ярмини ерга тўқиб кетяпти. Бу манзарани М. Мейлиева бригадаси дала-сида кўриш мумкин. Бригада пайналлари совхоз машина-трактор паркиннинг ёнида. Бу ерда слесарлар терим техникаси ёнида уймалашиб юришганини теримчилар кўриб туришяпти. Баъзан бу машиналардан бирортасига жон киради ва уни тантан билан далаға олиб чиқашади. Фақат нима мақсада шундай қилинаётганини тушуниб бўлмайди. Чўнки ўш-га жуда сийрак, бунинг ўстига далағи ўт босиб кетган. Хуллас бу ердаги ҳосилни машинада териб бўлмайди.

Бундай пайкаллар совхозда оз эмас. Бу ерларға машина олиб киришдан нима фойда?

Косон район партия комитетида ҳозир асосан далаға нечта машина чиқарилганини санаш билан банд бўлишяпти. Биро мажлисларида ва бошқа йиғилишларда машинаси бекор турган ҳўжалик раҳбари қаттиқ танқид қилиняпти. Аммо бу машиналар билан қанча пахта терилгани ҳеч кимни қизиқтирмайди.

Ўша Чўйков номи совхозда ҳар бир комбайннинг кундалик унуми бир тоннага ҳам етмайпти. Машинада терилган пахта сарфланган ёнилғини ҳам оқламайпти. Аммо райкомда бу аҳволдан хотиржам бўлиб, техника ишға туширилди, деб юқорига рапорт беришмоқда.

Ҳам моддий, ҳам маънавий зарар келтираётган бу мантқиқсиз ишни тушуниш қийин, бунинг устиға Қашқадарё областидиға кўпгина ҳўжаликларда шунга ўхшаш аҳвол оз бермоқда. Даладар машина теримиға тайёр қилинмаган, техника ремонт қилинмаган. Умуман ўтган йилги манзара такрорланмоқда. Машина терими плани «барбод қилинган» учун жавоб беришға тўғри келади-да.

Шунинг учун ҳам пахтазорда қимматга тушадиган «томоша» қўрсатишиб, қўзғўямачилик қилишяпти.

В. ШУМАЙЛОВ,
ЎзТАГ мухбири.
ҚАРШИ.

М. В. ЛОМОНОСОВ ТАВАЛЛУДИНИНГ 275 ЙИЛИГИГА

А Л Л О М А

Ватанимизнинг улғу фарзанди, биринчи рус табиятшуноси, энциклопедист олим Михаил Васильевич Ломоносов улкан истеъдод соҳиб, тарихчи, рассом, Россияда фан ва урфон асосчиларидан бири эди.

М. В. Ломоносов 1711 йил 19 ноябрда Денисовка қишлоғи (ҳозирги Архангельск областининг Ломоносов қишлоғи)да дунёға келди. Ушанча ёшдан ўрғаниб мустақил равишда ўз даврининг қўбосномаси ҳисобланган Магницкийнинг «Арифметика» ҳамда Смотрицкийнинг «Славян грамматикасини кўн билан ўқиди. Ун тўқинчи ёшда у Москваға келди ва Заиконоспас монастыри қошмадаги Москва Славян-грек-латин академиясига ўқишға кирди. Мухими шундаки, у монастырдан диндор бўлиб чиқмади.

Петербургдаги академик университетға ўқишға келган М. В. Ломоносов 1736 йилнинг сентябрийда Германияда юборилди. Билими, дунёқараши ва характерининг шаклланишида чет эл сафари катта роль ўйнади. Замонасининг таниқли олимлари раҳ-

барлиғида у фалсафа, физика, механика, химия, металлургия ва кон ишларини кўн билан ўрганди. Математика соҳасида, ушанча назарий химия ва физикаға табиқ қилиш ниятида кўн ишлади.

Беш йилдан сўн М. В. Ломоносов Петербурға қайтди. Унинг ҳаётида кўнқиррали, унумли ижодий изланиш фаолияти бошланди. Уттиз ёшли олим физика синфи бўйича Фанлар академиясининг адъюкти этиб тайинланди. Шундан сўн у дастлаб металлургия соҳасида китоб яратди. Биринчи бўлиб рус тилида студентларға физикадан лекция ўқиш билан бирға, физика ва химия соҳасида тадқиқот ишлари ҳам олиб борди. Натижада кўн ўтмай, Фанлар академиясига иккита илмий ишлари тақдим этди. Олимнинг ҳар бир нарсани чуқур ўрганиш салоҳияти атом (корпус-

кулар) физикаси ва химияға бағишланган ишларида аққол қўйилди. Шунинг алоҳида таъкидлаш керакики, М. В. Ломоносов бу даврда турли илмий асарлар ва дарсликларини лотин, немис, француз тилларида рус тилиға таржима қилди. Рус халқи илм-фанин ўрганиш иштиғи йўқ, хатто қўбилиятсиз деб тарғиб қилинганда қарши чиққан-очқ бош кўтарган сабабли етти ойдан кўпроқ ўз уйиға қамал қўйилди. Лекин М. В. Ломоносовнинг таланти, билими, унинг фанда ва поэзияда эришган ютуқлари ўз кўнини кўрсатди. У 1745 йилнинг август ойида химия фанининг профессори (академик) илмий лавозимини олган биринчи рус олими сифатида танилди ва Фанлар академиясининг тенг ҳуқуқли аъзоси бўлиб қолди.

Еш академик дастлаб Петербург Фанлар академиясига химия лабораторияси ташкил қилди ва кенг қўламад илмий тадқиқот ишларини олиб борди. Бу ишлар ўша даврининг энг илгор тушунчаларидан

бўлган модданин атом-молекуляр тузилиши тушунчасига асосланган эди. Олим инсон ҳис этилаётган зарарчалар ҳақидаги таълимотини ривожлантириб, материянинг бу зарраларни «корпускулалари» ўз навбатида атомлардан тузилган, улларнинг механик ҳаракатини ўрганиш билан моддаларнинг ҳусусиятларини тушунишга бериш мумкин, деб ҳисоблади. Шу боисдан у, ҳар қандай модданин иссиқлиги асосида заррачаларнинг айланма ҳаракати ётади деб фараз қилди. М. В. Ломоносовда ҳозирги замон фаниға мос дунёқараш пайдо бўлган, иссиқликнинг, оловни ва ёруғлиқни қандайдиган специфик материядан (тепелорроддан, флогистондан) иборат деб қаровчи нотўғри тушунча унга ёт эди.

Химия соҳасида қатор назарий ишларни бажарар экан, у физикадаги модданин ва ҳаракатининг сақлиниш қонуниларини асос қилиб олди. М. В. Ломоносов биринчи бўлиб химиявий реакцияларда модда унумий массасининг ўзгариши сиз қилиш қонуниятини аниқ таърифлаб берди.

Эритмаларнинг ҳоссаларини ўрганишда ҳам модданин атомистик тушунчасига, табиқий илмий материализмға асосланди. Иқтидорли олим эритмаларнинг кристалланишини, эрувчанлиқнинг ҳароратға боғлиқлигини муқаммал ўрганди.

Айниқса унинг эритмаларни иссиқлик ажратиб чиқадиган ва иссиқлик талаб қилдиган эритмаларға ажратилиш мумкин аҳамиятға аға эди.

1761 йил 26 майда М. В. Ломоносов ўз уйида антика астрономик воқеанингувхош бўлди — Венеранингуш Кўш гардиши атрофидаги ҳаракатини кузатиб. Бу ҳодисаға бағишланган махсус рисоласида у Венерада «хаво атмосфераси» мавжудлигини астрономия тарихида биринчи бўлиб тушунишга берди. Олимнинг оптика соҳасидаги хизмати шунда бўлдики, у Гершелдан анча олдин қўшмача ясси кўзгусиз телескоп ясади. М. В. Ломоносовнинг физик-математик тушунча ва методларни минералогия, геологияға табиқ этишдаги ҳиссаси беқиёсдир. Тоғ жинсларининг таркибида қандай минерал ва рудалар борлигини билиш учун у қатор тажрибалар ўтказди. Тошқумир, торф ва қабристонинг ҳосил бўлиш қонуниятларини исботлаб берди.

Фанлар академиясининг География департаменти кузатувчи сифатида М. В. Ломоносов «Россия атласини» тузишда жонбозлик кўрсатди. Географик унумли ва кенгликни аниқлаш усулларига аҳамият берди ва халқаро «Денгизда сузиш академиясига» ўз лойиҳасини тақдим этди. Иқдор олимнинг тарих, филология, таъсирий санъат

ҳақидаги рисоалари М. В. Ломоносов катта истеъдод эгаси эканидан далолат беради. Олим рус халқи тарихининг манбаларини чуқур ўрганди ва бу изланишларнинг натижаларини эълон қилди. У халқнинг ҳамма табақалари кириши мумкин бўлган университет ташкил қилди. М. В. Ломоносовнинг поэзия соҳасидаги мероси эса унинг шорлиқ лавқатининг аққол исботидир.

Инсоният маданият тарихининг энг порлоқ чўққиларидан бири рус алломосига тегишлидир. Улғу Эйлер М. В. Ломоносовни «Ўз билими билан нафақат академия учун, балки ҳамма фанлар учун ҳам шарафли ишларни бажарган буюк инсон эди» деб таърифлаган эди. М. В. Ломоносовнинг ҳаёти ва фаолияти Леонардо да Винчининг, Абу Али ибн Синонинг, Гётеннинг, Беруининг ҳаёти ва фаолиятидек умуминсоният дурдонасига айланди. Илмий феолиятининг халқ билан, унинг эҳтиёжлари билан боғлиқлиги М. В. Ломоносовни замонашмиз, фан ва маданиятимизнинг буюк намояндаси деб аташға асос бўла олади.

С. АЗИМОВ,
Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг академиги.



Суратда: М. В. Ломоносовға тўғилиб ўсган қишлоғида ўрнатилган ҳайкал. С. Губский фотоси (ТАСС фотохроникаси).

1986 йилги ҲАМЗА НОМИДАГИ ЎЗБЕКИСТОН ССР ДАВЛАТ МУКОФОТИ ЛАУРЕАТЛАРИ

ИЖОДИЙ ЮКСАЛИШ
КЎЗГУСИ

Коммунистик партиянинг адабиёт ва санъатни ривожлантиришга бўлган катта диққат-эътибори, ғамхўрлиги маданият арбобларининг бадиий изланишларига қанот бахш этмоқда. Социализмнинг олижаноб ғоялари, тинчлик учун кураш ва санъаткорнинг меҳнат-кашлар билан узлуksиз алоқасини ҳис этиш совет бадиий аниқликлари ўзига ром этганки, халқ учун, келажак йўлида ижод қилиш ҳар бир совет ёзувчиси, расоми, композитори, артисти, архитектори учун широра, ҳаёт тақозосига айланган.

Она-Ватанимиз маданияти ва санъати Улуғ Октябрьнинг 69 йиллигига муҳим, қувончли натижа билан келди. Ёр юзи меҳнат кишиларининг келажак учун, тинчлик учун курашининг, КПСС XXVII съездида белгиланган мақсадлар амалга ошишига бўлган ишончининг умумий лигини тасдиқлаётган бир қатор асарлар яратилди.

Мукофот берилиши — маданиятининг улкан байрами, республика ҳаётида муҳим воқеа. Бу халққа хизмат қилишининг ленинча аъёнларига ҳаммиса содиқ ўзбек совет адабиёти, санъати ва архитектурасининг раънақидан яна бир ажойиб далолатидир.

Мукофот ёзувчи Темир Исҳоқович Пулатовнинг «Бухоро хонадонининг кечмишлари» романи ҳамда «Ғойибнинг иккинчи саёҳати», «Мулк», «Кунда-шунда» қиссалари учун берилди.

«Бухоро хонадонининг кечмишлари» шахс камолотининг тарихи, ёш замондошнинг маънавий ўсиши ва изтиробларининг ўзига хос бадиий тадқиқоти. Қаҳрамоннинг туғилган маснанига, қадрдон шахрига бўлган муҳаббати асарда кенг планда қўратиб берилган.

«Ғойибнинг иккинчи саёҳати» қиссасида ғайритабиий вазиятда ўзининг қатъияти, маънавий поклиги, буқилмас иродасини намойён қила олган кекса балиқчи ҳақида ҳикоя қилинади.

«Мулк» қиссаси кўп жиҳатдан ва аввало бизни ўраб турган оламга фалсафий қарашлари билан «Ғойибнинг иккинчи саёҳати»га қўшилиб кетади.

Инсон билан, унинг ҳаёти қарашлари билан ўзвий боғлиқ икки нарсаси — денгиз ва саҳро борми, инсон уларни бир-бирига боғлаб қўйди, ўзигадаги энг яхши хислатларини бой бериб қўйиши мумкин. Бу «Мулк» қиссасининг асосий мағзи бўлиб, у саҳрода яшовчи ва ўз территориясини айланиб учиб чиқувчи қўшнинг маконий тақдирини.

«Кунда-шунда» қиссаси

нинг бош қаҳрамони — собиқ балет артисти Охун. Унинг ҳаёти ғайритабиий бўлиб, туолиши мумкин. Чунки, муаллиф бу образда қаҳрамоннинг ўз-ўзини фожия қилишини, унинг шахс сифатида маънавий юзубан кетиши тарихини кўрсатди. Қисса қаҳрамони ўз вақтида ҳақиқий тобланиш ва тарбияни на оилада, на мактабда кўрган. Оқибатда Охун жамиятимизнинг фалол аъзоси бўлиб етиша олмади.

Ўткир Ҳошимовнинг «Икки эшик ораси» романи Ҳамза номидаги мукофотга сазовор бўлди. Муаллиф ўзбек қишлоғи оддий меҳнатчиларининг ҳаётини, уларнинг Улуғ Ватан уруши давридаги қаҳрамонона меҳнатини кенг кўлабда ҳикоя қилади.

Тасвирий санъат соҳасида Марат Файзиевич Содиқов 8 саҳифадан иборат «Хроника» ва 9 саҳифадан иборат «Мирзачўлининг ўзлаштирилиши» график асарлар туркуми учун маъқул мукофотга лойиқ қўрилди. Муассар бир асарларида инсоннинг бунёдкорлик меҳнати қандай бошланиши, уларнинг оқил

лиги ҳақида фикр юритади. Замонавийликни ўқир ҳис қилиш Марат Содиқов ижодида хос индивидуаллигининг таркибий қисмидир.

Санъат назарияси ва тарихи соҳасида Ҳамза номидаги мукофот фалсафа фанлари доктори Тилаб Маъмуровга берилди. Унинг «Ўзбекистон ранг-тасвир эстетикаси» монографияси тадқиқоти республика тасвирий санъати таҳлилига бағишланган. Монография ўз характерига кўра биргина бадиий маданият доираси билан чекланмаган, унинг аҳамияти бундан кенг ва салмоқлидир.

Муаллиф Ўзбекистоннинг бир қатор расмларини асарларини таҳлил қилар экан, бутунги кунда расмлар ижодида Шарқнинг миннатора санъати, деярли ҳамақошқилик ва меҳмондорчилик беъизини, янги давр, XIX аср рус реализми санъати аъёнлари ўз аксини топаётганлигини кўрсатиб беради. Айни пайтда муаллиф Ўзбекистон тасвирий санъат усталарининг XX асрга хос импрессионизм ва бошқа прогрессив йўналишлардаги

практикасини қандай ўзлаштиришларини ҳам диққат марказида тутди.

«Абдулҳақ Абдуллаев» монографияси асосан таниқли ўзбек рассоми, психологик портретлар яратиш усталарининг ижодий йўли ҳақида ҳикоя қилади.

Кинематография соҳасида К. Ерматов номидаги «Ўзбекфильм» киностудиясида яратилган «Алвидо, гўр ёшлигим» бадиий фильми учун сценарий муаллифи ва постановкани режиссёр Элёр Муҳидиновчи Ёшимхамедов, сценарий муаллифи — кинодраматург Жасур Илҳомович Исҳоқов, постановкачи-оператор Юрий Станиславович Любшин, Игорь Владимирович Гуленкога Ҳамза номидаги мукофот берилди. Шунингдек, постановкачи режиссёр Ровшан Нисомович Ботиров, ўзбек Совет бадиий киносида ҳарбий-вазирларлик мавзусини ишлаб чиқарган учун ана шу мукофот билан тақдирланди.

Музыка соҳасида композитор Рустам Абдуллаев «Қўёшга таъзим» балетига ёз

ган музикаси учун Ҳамза мукофотини олди.

Архитектура соҳасида архитектор Ярослав Андреевич Афанасьев, ҳайкалтарошлар Леонид Григорьевич Рязанов, Владимир Александрович Лунев, Анавар Аббасович Раҳматуллаев, бинокор-инженерлар Науф Исраиловчи Зисман, Шамсиддин Исмоиловлар Тошкент шаҳридаги «Ҳарбий ёдгорлик» архитектура ёдгорлик ансамбли учун бу юксак мукофот билан тақдирландилар.

Шунингдек таъкидлаш керакки, республикамиз жамоатчилиги мукофотга номзодлари қўйилган асарларни муҳокама қилишда қизғин иштирок этди. Комитетимиз мукофотга қўйилган асарларни қўллаб-қувватловчи жуда кўплай фикр-мулоҳазаларини олди. Биз шунини қувонч билан таъкидлаймизки, ана шу фаоллик замирида уларнинг жонанок санъатини тақдирлаш шахсан манфаатдорлик билан ёндашганликлари, Ҳамза номидаги Ўзбекистон ССР Давлат мукофотлари комитетига адабиёт, санъат ва архитектура соҳасида тайдо бўлган истеъдодли янги асарларни тўғри баҳолашда ёрдам беришга бўлган иштироки ётади.

Буларнинг ҳаммаси бизни гўяй юксак, бадиий жиҳатдан мукамал адабиёт ва санъат учун курашини бирор дақиқа ҳам бўшаштирмасликка даъват этади.

Комил ЯШИН, Ўзбекистон ССР Министрлар Совети ҳузуридаги адабиёт, санъат ва архитектура соҳасида Ҳамза номидаги Ўзбекистон ССР Давлат мукофотлари комитетининг раиси.

РЕКЛАМА * ЎЗБЕКЛАР

ЎЗБЕКИСТОН ССР МЕҲНАТ ДАВЛАТ КОМИТЕТИ

Қурилиш ихтисосига эга бўлган ёлғиз аркак ва аёллар иш ҳамда бошқа турдаги касб кишиларини «КАМГЭС-ЭНЕРГОСТРОЙ» бирлашмаси ва Татаристон АССР шаҳарларида жойлашган «ГЛАВТАТНЕФТЕГАЗСТРОЙ» қурилиш-монтаж трестининг бўлиналари.

ИШГА ТАКЛИФ ҚИЛАДИ

Икки йил муддат билан меҳнат шартномаси тузган ишчиларга бир йўла 200 сўм ёрдам пули, иш жойига етиб бориш ва меҳнат шартномаси тугагач яна аввалги яшаб турган жойига қайтиб келиш учун йўл харажатлари ҳамда суткалик ҳақ тўланади. «КАМГЭС-ЭНЕРГОСТРОЙ» бирлашмасига ишга жўнаб кетётган кишиларнинг аввалги яшаб турган уй-жойлари бронлаштирилади!

Справкалар ва ишга йўлланма олиш юзасидан қўйиладиган адресларга мурожаат қилинсин: Шаҳарларда аҳолини ишга жойлаштириш бўйича бюро инспекторларига; районларда область меҳнат бўлиминининг вакиллари; Тошкент шаҳрида Пролетар кўчаси, 4-уй, 3-подъезд ва аҳолини ишга жойлаштириш бўйича район пунктларига.

ШАРБАТЛАР — ТОТЛИ ИЧИМЛИК

Мева ва сабзавот шарбатлари инсон организми учун доимо керак бўладиган минерал тузлар ва майда элементларнинг ишончли манбаи бўлиб, саломатлик учун ихтиёда фойдаландир.

ШАРБАТЛАР — КАТТАЛАРГА ВА БОЛАЛАРГА ҲАМ ФОЙДАЛИ.

Ҳатто касалликларни даволашда шифобахшлик хусусиятига эга.

Айниқса, болаларга шарбат ичириб туриш фойдаландир.

Ҳар қуни нонушта, тушликда, кечки нонушта ёки овқатда тетиклик, куч-қувват бахш этиш мақсадида болаларга шарбат ичириб туришни одат тусига киришти керак.

ЎЗБЕКИСТОН ССР ДАВЛАТ АГРОСНОАТ КОМИТЕТИНИНГ МЕВА ВА САБЗАВОТ МАГАЗИНЛАРИ ОЛМА, ОЛХЎР, ЎРИК, ШАФТОЛИ, ПОМИДОР ШАРБАТЛАРИНИ ХАРИДОРЛАР ЭЪТИВОРИГА ҲАВОЛА ҚИЛАДИ.

ЎЗБЕКИСТОН ССР ДАВЛАТ АГРОСНОАТ КОМИТЕТИ (телефон 56-34-12), «СОЮЗТОРГРЕКЛАМА» БУТУНИТТИФОҚ БИРЛАШМАСИНИНГ ЎЗБЕКИСТОН РЕКЛАМА АГЕНТЛИГИ.

ТАШКИЛОТЛАРИНИНГ РАҲБАРЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

Тошкент область статистика бошқармасининг ХИСОБЛАШ МАРКАЗИ «ВК-СМ-1600» электрон ҳисоблаш машиналарини фойдаланиш учун

ИЖАРАГА ТОПШИРАДИ

Ташкилотларга тегишли қўлайлик яратиб берилади ва улар «Демос» ва «4 ОС РВ» операцияни системалар муҳитида ишлайдилар. Бу ҳисоблаш машиналари кўп терминалли мультитерминалли пухта иш тартиби таъминловчи ва кенг қўламли иқтисодий-инженерлик, илмий ва техникавий масалаларни ҳал этидиган юқори қувватли кучли программа-лаштириш тили бўйича катта имкониятларга эга.

Қўйиладиган адресга мурожаат қилинсин: 700077, Тошкент шаҳри, Луначарский шоссе, 42-уй. Телефонлар: 67-46-92, 67-56-65, 67-56-66.

СССР Давлат интурист комитетининг

ТОШКЕНТ БУЛИМИ

СССР ШАҲАРЛАРИ ВА ИТТИФОҚДОШ РЕСПУБЛИКАЛАРИНИНГ пойтахтларига гурӯҳа бўлиб ва яқна тартибда туристик саёҳатларга

ТАКЛИФ ҚИЛАДИ.

Тўй, ўқувчилар ва студентлик сафарлари ҳам бундай туристик саёҳатларга қиради. 1986 йилнинг ноябидан Қора деңиз соҳили курортлари бўйлаб туристик сафарлар бошланади. Туристларга СССР Давлат интурист комитети базасида биринчи даражада хизмат кўрсатилади.

Қулай ва шина меҳмонхоналар, ресторани ва «Интурист» транспорти туристлар хизматида бўлади. Гурӯҳа бўлиб ва яқна тартибда сафарга чиқиш учун буюртмалар жўнашдан 45 кун олдин қабул қилинади.

Барча масалалар юзасидан қўйиладиган телефонлар орқали мурожаат қилинсин: 33-84-62, 33-82-36.

Бизнинг адрес: Тошкент шаҳри, Советская кўчаси, 2-уй.

Театр

НАВОЙИ НОМИДАГИ ЎЗБЕК НАВАТ АКАДЕМИИ КАТТА ТЕАТРИДА — 13/ХI да Отелло, 14/ХI да Туманас.

ҲАМЗА НОМИДАГИ ЎЗБЕК НАВАТ АКАДЕМИИ ДРАМА ТЕАТРИДА — 13/ХI да Отелло, 14/ХI да Юдузлик туилар.

МУҚИМИН НОМИДАГИ ЎЗБЕК НАВАТ АКАДЕМИИ ТЕАТРИДА 13/ХI да Лайли ва Мажнун, 14/ХI да Узилган торлар.

«ПАХТАКОР»

МАРКАЗИЙ

СТАДИОНИДА

15 ноябрь соат 17.00 да СССР биринчилиги учун «ПАХТАКОР» (Тошкент) — «ДАУГАВА» (Рига) командалари ўртасида

Футбол

ИШҚИБОЗЛАР

ДИҚҚАТИГА!

«Пахтакор» Марказий стадиони кассаларида олдиндан билет сотиш ташкил этилган.

Ўзбекистон Телевидениеси коллекцияни Тошкент шаҳри ва Тошкент области учун қўрсатувлар Бош редакциясининг редактори Ф. Аминова онаси

Лазонат

АМИНОВНИНГ

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

«Радуга» нашриятининг Тошкент бўлими коллектив ижтимоий А. Ҳайдарова онаси

Гулол

РАҲМОНОВНИНГ

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Ўзбекистон ССР Фанлар академияси Қўлғамалар институтининг маъмурияти, партия ва маҳаллий комитети институт ходими З. Ҳайдарова онаси

Обид

УСАРОВНИНГ

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Барча масалалар юзасидан қўйиладиган телефонлар орқали мурожаат қилинсин: 33-84-62, 33-82-36.

Бизнинг адрес: Тошкент шаҳри, Советская кўчаси, 2-уй.

Орган ЦК Компартия Ўзбекистана, Верховного Совета и Совета Министров Узбекской ССР

Редакция адреси: 700000, ГСП, Тошкент, Ленинград кўчаси, 32.

Хатлар ва оммавий ишлар бўлими телефонлари: 33-21-43, 32-54-16, 32-53-20, 32-53-21, 33-11-49, 32-54-06.

Суд залидан

КАМОК ХОНАГА... ГИЛАМ ОРҚАЛИ ЙЎЛ

Олмалиқ гилам фабрикасининг Сиддиқов бошчилигидаги раҳбарлари тайёр маҳсулот сифатига баҳо беришда ҳаддан ташқари принципаллик қилдилар. Бу ерда биронта ҳам камчилиги бўлмаган ўнлаб полостлар бракка чиқарилиб турди. Тошкент область социалистик мулкни ўғирлашга ва чайқовчиликка қарши кураш бошқармаси бошлигининг ўринбосари А. А. Убайдуллаев бошчилигидаги терговчилар гурӯҳи нима иш қилинаётганлигини жуда яхши биларди. Улар бракка чиқарилган полостлар корхонадан қандай қилиб четга олиб чиқиб кетилаётганлиги ва кейин пойтахт области, Ўзбекистон ва Наманган областларининг магазинларида қандай қилиб яхши пуллаётганлигини тинмай қўзғиб бордилар. Тўшган пул давлат хазинасига тўқилмасди, албатта. Бу ишларнинг ҳаммаси шаҳар маъмурилари, фабрика халқ контроллерлари, Маҳаллий саноат министригининг кўз ўнгига бамайхотир қилинарди.

Лекин олмалиқлик учарларнинг бу «жўшқин» фаолияти сира эътиборсиз қолмади. 28. кишидан иборат жиноятчилар гурӯҳи қўйган ҳар бир қадимий ишнинг видеокameraнинг кўзи қайд этиб боради.

— Биз ҳал этган асосий масала бракка чиқарилган маҳсулот сифатида ортқича тайёр маҳсулот яратиш механизмининг тафсилотларини аниқ билишдан иборат эди, — дейди А. А. Убайдуллаев. — Молини сотиш йўллари аниқлаб олиш, рад этиб бўлмайдиган ишларнинг топиш, ва уларни судга

Б. ПРУГЕР, ЎзТАГ мухбири.

ҲАЖВ БУРЧАГИ

БИР РЕЙД ҲАҚИДА

Бозор... Чайқовчида турфа камб мол. Нобки, кўз олиб ёнади ял-ял. Нарх эса осмонда.. Чидасангиз бас, Анқонинг уруғи ҳатто бемалол... Бир кун ишларда рейд уюштириб, Унга беш ташкилот ходими кирди. Шпор: Чайқовчининг суприб ташлаш, Афанди ҳам улар сафида юрди.

Кимгадир кўз тикди, иккиланишди:

— Ҳа, қўйинг, фалонинг катта оғаси...

— Буниси пистонга бир девор қўшин...

— Э, бу писмадонинг ўғай тоғаси...

Хулласи, ҳеч кимни этмадилар фож.

Афанди гинкинор бўлиб баттар гаш.

Охир қўл силтади:

— Қўяверинглар,

Энди қолганлари мента қариндош!!!

Рейдчилар сакради босгандай қўллар, Ва...

ушланди уч-тўрт «тоғаси йўқ»лар!

Йўлдош СУЛТОНОВ.

МУКОФОТ

— Ўртоқлар! — деб гап бошлади колхоз раиси залда ўтиргиларга қараб. Бугун колхозимиз пахта планини бажариши муносабати билан илгор теримчи, ларимизни хизматларига яраша мукофотлашни лозим топдик. (Қарсақлар). Мавсумда ўш тонга «оқ олтин» териб берган Олтинога олтин ссат билан олти метр баҳмал берилади. (Қарсақлар).

Нормат ТОҒАЕВ.

♦ ЭТМИШ САДОСИ

НОЁБ ТОПИЛМА

Китоб районидаги «Варганза» совхози ишчиси Ҳасан Мўминов томорқасида ишлаб турган эди. У ер чопаётди бир хум топиб олди. Ичининг ораси, бир минг бир юз етмишга майда танга чиқди.

Ҳасан Мўминов топиб олган Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг археология институтига топширди. Институтнинг катта илмий ходими М. Исомидинов бу ноёб топиб олган синчиклаб ўрганишга киришди. Маълум бўлишича, хумдаги тангалар салжўқилардан бўлган Султон Маликшоҳ (1072—1092 йиллар) даврида зарб этилган дирҳамлар эди. Маълумки, салжўқилар сулоласи қарийб юз йил давомида босқинчилик урушлари олиб бориб, каттагина территорияда ўз давлатини барпо этган эди. Ана шу даврга оид тангалар ҳозирги Қашқадарь области территориясига бунчалик кўп миқдорда биринчи марта топилди.

Косон районидаги 49-мактаб ўқувчилари — ака-ука Нормўминов, Ҳасан ва Ҳусан Норкуловлар қўлга киритган топилма ҳам кўндалда катта қизиқиш уйғотди. Улар Мўнгента археология ёдгорлиги яқинида, Қорабайир қишлоғида дала ишларида иштирок этаётган эдилар. Ана шунда улар қадимий қўзғани топиб олдилар. Қарашса, кўндалда ичининг асрда, феодализм қорхонийлар давлатида зарб этилган 710 та танга бор эди. Қорхонийлар давлати Шарқий Туркистон, Етисув ва Жанубий Тибетда вужудга келган эди.

Суратларда: 1. М. Исомидинов ва институтнинг катта лаборантаси С. Воробьева топиб олган қўндалда кўндаллар. 2. «Варганза» топиб олмаси.

Ш. ШАРОПОВ фотолари (ЎзТАГ).

лар). Олтинонинг турмуш ўртоғи Давлат полвонга...

— Э, нега энди Давлат полвонга мукофот бериларкан. Ахир, у полвон далаининг юзунинг кўргани йў-у, ҳақиқат борми ўзи, раис бўл?

— Жим, ўртоқлар, жим. Олтинонинг турмуш ўртоғи Давлат полвон мавсум давомида уйда ўтириб, олти боласининг тарбияси билан шуғуллангани ва Олтинонинг умумий меҳнат қилишига тўлиқ имкон яратиб бергани учун олти донга тешиқ кучи, мукофотга берилади. (Қийқиринг ва қарсақлар).

Нормат ТОҒАЕВ.

Об-ҳаво

Республика гидрометеорология марказининг хабар қилишича, бугун Ўзбекистонда ҳаво булутли бўлиб туради. Жанубда ёғингарчилик бўлмайди, Ферғона водисига ёғмир ёғади. Қолган территорияларнинг айрим жойларида бироз ёғмир, тоғли районларда қор ёғади. Шимоли—ғарбдан секундида 9—14 метр тезликда шомол эсади. Ҳарорат кечаси 1—6, кундузи 10—15, жанубда 17 даражагача иссиқ бўлади. Қорақалпоғистон АССР, Қарақў, Бухоро ва Навоий областларида кечаси 0—3 даража совуқ, кундузи 7—12 даража иссиқ бўлади (ЎзТАГ).

Редактор

Л. ҚАЮМОВ.

13 НОЯБРЬ, ПАЙШАНБА

ТВ

MT.I, 9.00 — «Время». 9.45 — «Михайло Ломоносов». Бадиий фильм. 1-фильм. 2 ва 3. сериялар. 12.05 ва 15.00 — Янгиланган. 15.20 — Хўжамали фильмлар. 16.05 — «Терек да тўй». Фильм-концерт. 16.35 — «Харанат халфизлиги учун». 18.40 — «Шаҳмат мактаби». 17.15 — «Озолининг қадр-қиммати». 18.00 — Мультифильм.

18.45 — Концерт. 18.30 — «16 ышгача ва уқлаб катталар». 19.15 — «Дунё воқеалари». 19.30 — «Назария масалалари». 20.05 — Концерт. 20.15 — «Михайло Ломоносов». Бадиий фильм. 1-фильм. 3-серия. 21.30 — «Время». 22.05 — Катта иш. дадилар учун контрол иш. 00.05 — «Дунё воқеалари». 00.20 — Оғир атлетика. Жаҳон чемпионати.

MT.II, 9.00 — Гимнастика. 9.15 — Илмий-оммабоп фильм. 9.35 — «Керамика санъати». 10.35 — Испан тили. 11.05 — СПТУ ўқувчилари. 11.35 — Ойлангич турмуш. 12.00 — Н. Тихонов поэзияси. 13.00 — Катта ишдадилар учун контрол иш. 14.40 — Ҳўжамали фильм. 15.10 — «Шаҳарини қабул қилиб олди». Бадиий фильм. 16.25 ва 18.30 — Янгиланган. 16.50 — Хўжамали фильм. 18.00 — Ритмик гимнастика. 20.00 — «Хайрли тун, кичикнотлар!» 20.50 —